

ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Р. Хамдамов

А.Авлоний номидаги Миллий-тадқиқот институти иқтисодчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги доирасида ислоҳотлар ўрганилмоқда, барча йўналишларда Ўзбек модели учун хос бўлган босқичма-босқичлик тамойилига риоя қилиши билан биргаликда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари орқали муҳим ва долзарб муаммоларнинг ечимини ақс эттирадиган кетма-кетликнинг ҳам мавжудлигини қайд этиши мумкин.

Калим сўзлар: маҳаллий бюджет, газначилик, капитал, бюджет

ABSTRACT

Reforms are being studied within the framework of the budget legislature of the Republic of Uzbekistan, it can be noted that there is also a sequence that reflects the solution of important and urgent problems through the adopted legislative acts in all directions, in accordance with the principle of gradualism typical for the Uzbek model.

Keywords: local budget, treasury, capital, budget.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг қабул қилинишини мамлакат бюджет соҳаси қонунчилиги ислоҳотининг янги, юқори сифат даражаси сифатида қаралиши лозим бўлди. Бу босқич бюджет жараёнини такомиллаштириш ва тартибга солиш бўйича барча илгари қабул қилинган тадбирларнинг мантикий давомидир. Бу босқичда бюджет тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бюджет харажатларини натижавийликка йўналтиради.

Давлат ва маҳаллий бюджетларни тузиш ва бажаришга бундай ёндашув “Натижага йўналитирилган бюджетлаштириш” тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг зарурлигини кўзда тутди. “Натижага йўналитирилган бюджетлаштириш” тизимини жорий этишда бюджет маблағларини олувчилар давлат, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа жамият аъзоларига зарур бўлган хизматларни тақдим этишларини назорат қилиш имкониятлари яратилди. Бунда қийинчилик бюджет маблағлари харажатлари амалга оширилганда бюджет ташкилотлари кўрсатилган хизматларнинг

натижадорлигини ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шундай қилиб бюджет маблағларини тақсимловчилар харажатларини режалаштиришдан олдин:

Давлат бюджети функционал таснифи бўйича кодлари кўрсатилган харажат мажбуриятлари реестрини;

Бажарилиши билан аниқ вазирликлар ва идораларнинг иш натижалари баҳоланадиган индикаторлар (кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиши зарур.

Бюджет қонунчилиги тарраққиёти давлат бюджети ғазна ижросини жорий этишни талаб этар эди ва бу борада 2004 йил “ Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ғазначилик тизимининг жорий этилиши давлат бюджети маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини анча оширди.

Ғазначиликка ўтгандан кейин бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини амалга ошириш тўлов топшириқномалари асосида қуйидаги талабларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

- молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари ва штат жадвали ўрнига тузилган калькуляциялари, ҳамда харажатларни амалга ошириш рухсатномалар асосида ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларининг тегишли гуруҳлари бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;

- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органида рўйхатдан ўтказилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммасидан ошмаса;

- товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилишини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатлар бўлганида;

- етказиб берувчининг тўлов топшириқномасида кўрсатилган номи ва реквизитлари етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган номи ва реквизитларига мувофиқ бўлса;

- тўлов топшириқномаси “Тўлов мақсади” устунида бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилган бўлса.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Харажатларини молиялаштириш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чорақлар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади.

Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш, бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларини молиялаштириш бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Ғазна ижроси тизимида ўтган бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар бўйича харажатларни тўлаш:

• республика бюджетидан - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

• Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан - Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

ХУЛОСА

Ғазначиликка ўтгунга қадар бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришда янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтиради.

Ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтилгандан кейин бюджетдан маблағ олувчиларни харжатларини амалга ошириш қуйидагича амалга оширилади: Вилоят молия бошқармаси Товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи ташкилот ва муассасалар.

Яъни олдинги даврга нисбатан ғазначиликка ўтгандан кейин олдинги даврдагидек бюджетдан маблағ олувчиларнинг тижорат банкларидаги бюджет ҳисоб рақамларига эмас, тўғридан-тўғри товар етказиб берувчиларининг ҳисоб рақамларига маблағлар ўтказилади.

REFERENCES

1. Ш.Т. Эргашева, Ш.И. Хожимухаммедова, З.Р.Мадаминова. Молия ўқув қўлланма-Тошкент 2011 йил.
2. О'Р.Umurzoqov va boshqalar. "Suv xo'jaligi menejmenti", Toshkent, 2012
3. А. Abdug'aniyev. "Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti" Т.: "Adib" nashriyoti, 2011.
4. Назарова Ф. Регулирование аграрного сектора экономики Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Ташкент: НПЦ сельского хозяйства НИИРР, 1999.
5. Рамазанов А.Р. и др. Современное состояние орошаемого земледелия в Узбекистане // Аграрная наука.-Ташкент, 2002.- №10.
6. www.lex.uz